

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ
ҲАФТАЛИК, ТАҲЛИЛИЙ НАШРИ

ISSN 2010-6602

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

2021 ЙИЛ 21 ЯНВАРЬ

№ 02 (1285)

ХАЛҚ БАНКИ ДАРОМАДИ 4,8 БАРОБАРГА ОРТДИ



Миллий матбуот марказида “Янгиланаётган Халқ банки: йил сарҳисоби ва истиқболдаги режалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда 2020 йил давомида акциядорлик тижорат Халқ банки тизимида амалга оширилган кенг қўламли янгиланишлар ва уларнинг натижалари ҳақида сўз юритилди.

Хусусан, банк мутасаддиларининг таъкидлашича, бугунги кунда банк фаолиятини трансформация қилиш мақсадида 5 та хорижий компания билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ушбу жараёнга амалий ёрдам кўрсатиш учун хориждан 7 нафар ма-лакали хорижий мутахассис жалб



қилинган. Албатта, бу сазъ-ҳара-катлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

– Масофавий хизмат кўрсати-ни ташкил этиш мақсадида ўтган йилнинг май ойида Жиззах шаҳри-да “Call center” алоқа маркази ишга туширилди, – дейди Халқ банки бошқарув раиси ўринбосари Донёр

Акрамов. – Ушбу янги тизим, ай-ниқса пандемия шароитида аҳоли-га қўл келди. Айни пайтда банк ми-жозлари мурожаатлари “Call center” ходимлари томонидан ўрганилиб, тўғридан-тўғри ҳал қилиб берил-моқда.

(Давоми 3-саҳифада)

AGROBANK “МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМИДА ФАОЛ

Аҳолининг кам таъ-минланган, эҳтиёжманд қатлами “темир даф-тар”, “аёллар ва ёшлар дафтари” каби рўйхат-дан чиқариб, уларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали иқтисо-дий аҳолини яхшилашга хизмат қиладиган сама-рали ёндашувдир.



Президентимиз 2020 йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида мутасадди раҳбар-ларга айни шу ҳақида кўрсатмалар бериб, маҳаллаларга кириб аҳо-

ли ва тадбиркорлик йўналишидаги фикр ва ташаббусларни маҳаллабай усулда ўрганиш мақсадида аниқ топшириқлар берган эди.

(Давоми 2-саҳифада)

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ЖСВ ТЎЛОВ ТИЗИМИ БИЛАН ИШЛАШНИ БОШЛАДИ

2019 йилда Ўз-саноатқу-рилишбанк картага оид про-цессингни модерниз-ация қилиш бўйича лойиҳа-ни амалга оширишни бошлади.



(Давоми 2-саҳифада)

КЎЗ ЎНГИМИЗДА РАҚАМЛАШАЁТГАН ДУНЁ



5>

МАСОФАДАН ЎҚИШНИНГ БОЛАЛАРГА АКС ТАЪСИРИ



8>

КАК ВЫВОЗИТСЯ ИЗ УЗБЕКИСТАНА ИНВАЛЮТА: ФАКТОРЫ И МЕХАНИЗМЫ



12>



“АГРОБАНК” “МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМИДА ФАОЛ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Айни вазифалар ижросини самарали ва манзилли ташкил этиш мақсадида “Агробанк” акциядорлик тижорат банк бошқаруви иштирокида Гурлан туманида туман ҳокимлиги, аҳоли вакиллари ва тадбиркорлар иштирокида банк мутахассислари ва ишчи гуруҳи томонидан маҳаллабай ўрганиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилиши билан бир қаторда ушбу йўналишлар бўйича ўқув семинарлар ҳам ўтказилиб келинмоқда.

Учрашувларда тадбиркорлик қилиш истигада бўлган ёшлар ва хотин-қизлар ҳамда “темир дафтар”даги фуқароларга имтиёзли равишда кредит ажратиш тўғрисида тушунчалар берилмоқда.

Ҳозирда ишчи гуруҳ вакиллари тумандаги 50 та маҳаллада аёллар, ёшлар ҳамда темир дафтарига киритилган фуқароларнинг тадбиркорликка жалб қилиш, мавжуд тадбиркорларнинг фаолиятини ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш борасида иш олиб бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, гарчанд ўтган йил бир томондан тижорат банклари учун катта синов даври бўлган бўлса, яна бир томондан мамлакатимиз иқтисодиётида банкларнинг роли ва аҳамиятини ҳам ошириш.

Айни шу йўлда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Хоразм вилоятида ҳам кенг

қўламли ислохотлар олиб борилганлигини эътироф этишимиз ўринлидир.

Хусусан, банк томонидан вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурлар доирасида жорий йилда 5 839 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 129,8 млрд сўмлик кредитлар ажратилган.

Шундан 75,5 млрд. сўм кредит маблағлари юридик шахслар учун ажратилган бўлса, 54,3 млрд. сўм эса jisмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу ажратилган маблағлар чорвачилик, қуёнчилик, паррандчилик, асаларичилик, иссиқхона йўналиши, балиқчилик, тикувчилик, хунармандчилик, хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда бошқа шу каби тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури доирасида ажратилган кредитлар ҳисобига ўтган йилда вилоятда “Агробанк” томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига жами 5747 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, бу орқали 3 076 нафар хотин-қизлар ҳамда 2 189 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланган.

Бу эса аҳолининг уй шароитида ўз-ўзини тадбиркорлик билан банд қилиш, турмуш шароитини яхшиланишига, даромад манбаининг вужудга келишига энг асосийси маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ижобий ўзгаришига замин бўлмоқда.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”

ЖСВ ТЎЛОВ ТИЗИМИ БИЛАН ИШЛАШНИ БОШЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Унинг мақсади электрон ПИН-кодли халқаро карталарни чиқариш, мультивалюта ҳисоб рақамлари ва карта бўйича кредит лимити, шунингдек, алоқасиз карталар, шу жумладан ЖСВ халқаро тизимларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш ва эквайринг тармоғини кенгайтиришдан иборат. Бугунги кунда лойиҳа амалга оширилган, янги карта маҳсулотларини синовдан ўтказиш ва соzлаш ишлари амалга оширилмоқда. 2021 йил январь ойида WАУ4 янги процессинг ишга туширилди, унда барча ЖСВ карталари

эгалари “Ўзсаноатқурилишбанк” банкотларига нақд пул ечишлари ва банкнинг ҳамкорлари тармоғида харидлар бўйича тўловларни амалга оширишлари мумкин.

“Минтақада юқори нуфузга эга бўлган энг йирик ва ишончли банклардан бири ҳисобланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ўзбекистон Республикасида ЖСВ карталарини қабул қилишнинг бошлаганини билдиришдан мамнунамиз. Ўзбекистон – қадимий тарих, бой таомлари, меҳмондўст одамлари билан машҳур туристик йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон нафақат россиялик сайёҳларни, балки одатда ЖСВ карталари

эгалари кўп бўлган Япония ва бошқа Осиё мамлакатлари сайёҳларини ўзига жалб қилади. 2018 йилда визасиз тартиб жорий этилгани ва бизнинг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ билан ҳамкорлигимиз сайёҳлик оқимининг янада ошишига ҳамда ЖСВ карталари эгалари республикага сафарлари давомида харидлар бўйича тўлов-

ларни амалга ошириш ва нақд пул ечиши учун янада қулай шароитлар яратишга хизмат қилади», деди ЖСВ International (Eurasia) LLC бош директори Такаси Суэцугу.

МИГРАНТЛАРГА 10 МИЛЛИОН СЎМ



Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Халқ банки ўртасида тузилган Бош келишувда бу масаланинг оқилона ечими белгиланди.

Унга кўра, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида қайд этилган ҳамда Ташқи меҳнат миграция агентлигининг “Labormigration.uz” дастурий мажмуасида рўйхатга олинган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорихда ишлаш учун кетаётган фуқароларга энди бир йил муддатга, 10 миллион сўм миқдорида микроқарз берилади.

Бунинг учун паспорт, меҳнат мигрантининг аризаси ва доимий иш жойига эга бўлган шерик қарздорнинг паспорти талаб этилади. Микроқарз уч банк иш кунида ажратилади.

Микроқарз фоиз ставкаси тижорат банклари томонидан мустақил равишда бозор тамойиллари асосида белгиланади ҳамда унинг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

Бунда, микроқарз ҳамда унга ҳисобланган фоизлар қарз олувчининг (оила аъзоларининг) топшириғига мувофиқ, уларнинг ҳисобварақаларига халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушган маблағлардан ушлаб қолиш йўли билан ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Бош келишув тузилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, Халқ банки Бошқаруви раиси Фарход Саламовлар иштирок этиб, ОАВ вакилларининг мавзуга доир саволларига атрофлича жавоб беришди.

сатувчи банкомат-терминал тармоғи бир вақтнинг ўзида ЖСВ халқаро тўлов тизими карталарига хизмат кўрсатади. Ҳозирда бундай банкоматлар сони 150, бундай терминаллар сони эса 16 минггача ташкил этади.

Маълумот учун: ЖСВ бу жаҳондаги йирик тўлов бренди, етакчи эмитент ва Японияда кредит карталарнинг харидоридир. Компания 1961 йилда ташкил топган. 1981 йилдан ЖСВ бошқа мамлакатлар бозорларига чиқиб, ўз фаолияти доирасини кенгайтирмоқда. Банкнинг қабул қилиш тармоғи дунёдаги қарийб 35 миллион савдо вакиллари қамраб олади. Ҳозирги вақтда ЖСВ карталари 140 миллиондан ортиқ карта эгалари бўлган 20 дан зиёд мамлакатлар ва ҳудудларга чиқарилади.





Фото: Владимир ЗАВЕРОВ

ХАЛҚ БАНКИ ДАРОМАДИ 4,8 БАРОБАРГА ОРТДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Кўнғироқ қилиб навбатга тушиб, алоқа ўрната олмаганларга марказ операторларининг ўзига кўнғироқ қилишлари ҳам йўлга қўйилган. “Call center”да мижозларга йўқотилган пластик картани блокдаш ёки блокдан чиқариш, балансини ва ўтказмалар тарихини билиш, “Нимо” пластик картаси эгаларига “СМС хабарнома” хизматини ёқиш, жисмоний шахслар кредитлари тўлови учун ID рақамларини билиб бериш ва чакана кредит маҳсулотларига ариза қабул қилиш, ҳисобрақам кўшиши ва ёпиш, блокка кўйиш ва блокдан чиқариш, мобил телефон ўзгарганда янги телефонда иловани актив ҳолатга келтириш, юридик мижозларга картотека қарздорликлари ҳақида маълумот бериш каби хизматлар кўрсатилмоқда.

Банк мутасаддасининг эътирофи этишича, “Call center” ишга тушганидан бошлаб йил якунига қадар жами 105 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Ҳозир бу ерда кунига ўртача 1 000 нафар мижозга масофадан хизмат кўрсатилаётган экан. Шу билан бирга, трансформация жараёнида жисмоний шахслар учун 24 та ва юридик шахслар учун 6 та янги инновацион хизмат тури амалиётга татбиқ этилди. Банк филиалларининг деярли барча ходимлари учун “Бонус” тизими жорий қилинди. Натижада биргина Чакана хизматлар бўлими ходимлари учун жорий қилинган “Бонус” тизими орқали олинган банк даромадлари ўтган йилга нисбатан 2 баробар ўсган.

– Шунингдек, ўтган 2020 йилнинг июнь ойида “кредит конвейери” механизми ишга туширилди ва “кредит модули” жорий қилинди, – дейди Банк стратегияси ва инновацион ривожлантириш директори Саъдулла Азатов. – Бугунги кунда кредит хужжатлари ушбу электрон дастур орқали “инсон омилсиз”, тезкор ва ишончли равишда кўриб чиқилмоқда. Қолаверса, “скоринг” таҳлили ва кредит хужжатларига асосланиб, якуний қарор қабул қилиш учун “андеррайтер”лар фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда “кредит модули” орқали стандарт кредитларга ўртача 5-10 дақиқа ичида автоматик тарзда, ностандарт, яъни ўрганиш талаб этиладиган кредитларга “скоринг” таҳлили асосида “андеррайтер”лар гуруҳи томонидан 30 дақиқа ичида ва бир босқичда жавоб берилмоқда.

Бундай янгиланишлар натижасида Халқ банки томонидан 2020 йилда жами 249 минг 400 дан ортиқ миқознинг 9 трлн. 11 млрд. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилиб, 86 минг нафардан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланган.

Ўтган 2020 йилда 64 та “Банк хизматлари маркази” ташкил этилиб, уларнинг сони 100 тага етказилди. 2020 йилда “24/7 – куну тун” режимида ишлайдиган “Электрон офислар” сони 184 тага оширилиб, улар сони 308 тага етди. Бинобарин, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 12 дона автоматлаштирилган тўловларни қабул қилиш қурилмаси ишга туширилди. Бу қурилмалар орқали карта балансини тўлдириш ҳамда инкассация амалиёти жорий қилинди.

– Шу каби самарали меҳнатлар натижасида банкнинг кредит рейтинги 2020 йилда “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги томонидан “BB-/B” – “Барқарор” ва “Standard & Poor’s” рейтинг агентлиги томонидан “BB-/B” даражасида баҳоланди, – дейди Саъдулла Азатов. – Шунингдек, “Standart and Sensitive Ratings” миллий рейтинг агентлиги томонидан миллий шкала бўйича банкка кредитга лаёқатлилик ва ишончлик даражаси “uzA+” – “Жуда юқори” деб баҳо берилди.

2020 йилнинг январь ойида жисмоний шахслар учун “Oilaviy biznes” мобил иловаси ишлаб чиқилди. У орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир давлат дастурлари асосида “онлайн” тарзда ажратиладиган имтиёзли кредитларни олиш имконияти яратилган.

Ўтган йилнинг февраль ойида жисмоний шахслар учун “Xalq mobile” мобил иловасининг янги версияси, юридик шахслар учун “Xalq biznes” мобил иловаси яратилди. Янги – “Quick statement” мобил иловаси эса тизимда коррупцияга қарши курашиш ва қонунбузилиш ҳолатларини жуда қисқа фурсатларда аниқлаш имконини бермоқда. Бунда фойдаланувчилар ушбу мобил илова орқали банк тизимида коррупцияга оид хавф-хатарга дуч келганда, аноним ёки шахсини маълум қилган ҳолда хабар беришлари мумкин.

Матбуот анжуманида банк ходимларига гендер бўйича журналистларнинг саволига кўра, бугунги кунга қадар Халқ банки тизимида хотин-қизлар бўйича раҳбар ўринбосари лавозимлари жорий этилди. Уларга хотин-қизлар бизнес фояларини қўллаб-қувватлашга доир бир қатор устувор вазифалар юклатилди.

Умуман, Халқ банки тизимида амалга оширилган ишлар натижасида банк томонидан 2020 йил якунлари бўйича 2019 йилга нисбатан 4,8 баробар кўп соф фойда олишга эришилган.

Банк ходимлари анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб бериш экан, Банкнинг трансформациясига доир ишлар жорий 2021 йилда ҳам изчил давом эттирилиши режалаштирилганини айтиб ўтишди.

Ўз мухбиримиз

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

МАНСАБДОР ШАХСЛАР ЖИНОЯТИ КАМАЙДИМИ?

2020 йил давомида республикада жами 1.148 та жиноят иши бўйича 1.723 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хабар бермоқда



Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 9 нафари республика, 45 нафари вилоят ва 1.669 нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритган.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 835 нафари ўзганинг мулкни ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш, 227 нафари фибригарлик, 132 нафари пора олиш (бериш) ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 58 нафари мансаб мавқеини суистемалаштириш, 31 нафари мансаб вазолати доирасидан четга чиқиш, 25 нафари мансабга совуққонлик билан қараш, 16 нафари мансаб сохтакорлиги ва 399 нафари бошқа жиноятларни содир этган.

Мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 500,1 млрд. сўм миқдоридан моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу зарарнинг 355,7 млрд. сўми ундирилган.

“Click” дастури орқали ўғирлик қилган шахс жавобгарликка тортилди

2020 йилнинг 12 октябрь куни М.З. исми аёл Кува тумани ИИБга мурожаат қилиб, унда 2020 йилнинг 6 октябрь куни номаълум шахс номига тегишли банк томонидан расмийлаштирилган пластик картасидан уяли алоқа аппаратида ўрнатилган “Click” тизими орқали, пластик карта ҳисобида бўлган пуллардан 718.000 сўмини яширин равишда ўғирлаганини маълум қилган.



Мазкур ҳолат юзасидан Кува тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” банди (ўғирлик) билан жиноят иши қўзғатилган. Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари давомида мазкур жиноятни фуқаро А.Ш. содир этганлиги аниқланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

Мол-мулкнинг пул маблағларини эҳтиёт қилинг! Бу билан ўғирлик жиноятларининг олдини олишга ҳисса қўшган бўласиз.

Қонунчиликка асосан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Фарғона вилояти ИИБ Ахборот хизмати

2020 ЙИЛДА ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАРГА ДОИР ҚИСҚАЧА ШАРҲ

2020 йилда ички валюта бозорининг барча сегментларида, хусусан амалга оширилган операциялар ҳажми ва бозор шитирикчилари сонида ўсиш кузатилди.

Ички валюта бозоридаги операцияларнинг умумий ҳажми 19,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 ва 2019 йилларга нисбатан мос равишда 1,7 ва 1,3 баробарга ўсди.



1. Юридик шахслар билан амалга оширилган операциялар

1.1. Юридик шахслар томонидан чет эл валютасига таклифи

2020 йилда ички валюта бозорида хорижий валютадаги умумий таклиф ҳажми 14,3 млрд. АҚШ долларини (Марказий банк интервенцияларини ҳисобга олманган ҳолда) ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 21 фоизга ўсди.

Хусусан, ҳисобот йилида: *хўжалик юртувчи субъектлар томонидан 6,7 млрд. АҚШ долларини сотилган бўлиб, ушбу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 14 фоизга ошди (2019 йил - 5,9 млрд. АҚШ долл.);*

Молия вазирлиги (инқирозга қарши курашиш бўйича халқаро молия институтларининг кредитлари) ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан сотилган чет эл валютаси миқдори 2,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

1.2. Юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб

2020 йилда юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2019 йилга (13,7 млрд. АҚШ долл.) нисбатан 12 фоизга ўсиб 15,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ушбу даврда, биржадан ташқари валюта бозорида хўжалик юртувчи субъектлар томонидан 3,7 млрд. АҚШ доллари миқдорига чет эл валютаси сотиб олиниб, ушбу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 14 фоизга ошди (2019 йилда - 3,2 млрд. АҚШ долл.). Шунингдек, валюта биржасидаги умумий операциялар ҳажми 11 фоизга ошиб, 11,7 млрд. АҚШ долларига етди.

Валюта бозорида чет эл валютасининг асосий қисми (60 фоизи) ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хом-ашё импорти, 21 фоизи - халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, 15 фоизи - хорижий кредитларни сўндириш, 1 фоизи - хорижий инвесторлар даромадлари репатриацияси ва қолган 3 фоизи - бошқа мақсадлар учун харид қилинган.

2020 йилда ички валюта бозорида чет эл валютасини харид қилган хўжалик юртувчи субъектлар сони 16 фоизга

кўпайиб, декабрь ойида 8,9 мингта-ни ташкил этди (2019 йилнинг декабрь ойи - 7,6 минг).

2. Жисмоний шахслар билан амалга оширилган операциялар

Жисмоний шахслар томонидан валюта айирбошлаш шахобчалари орқали 2020 йилда сотилган чет эл валютаси миқдори 4,6 млрд. АҚШ долларини (2019 йил - 3,8 млрд. АҚШ долл., ўсиш 21 фоиз), сотиб олиш ҳажмлари эса, 4,1 млрд. АҚШ долларини (2019 йил - 1,8 млрд. АҚШ долл., ўсиш 2,3 баробар) ташкил этди.

Халқаро пул ўтказмалари орқали республикага келиб тушган валюта маблағлари ҳажми 6,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилги кўрсаткич доирасида шаклланди.

3. Марказий банкнинг валюта интервенциялари

Ушбу даврда Марказий банкнинг валюта интервенциялари олтин-валюта захираларининг нейтраллиги принци-пига асосланган ҳолда амалга оширилди. Бунда Марказий банк томонидан сотилган чет эл валютасининг соф ҳажми йил давомида сотиб олинган монетар олтин ҳажми доирасида бўлиши таъминланди.

Хусусан, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан сотиб олинган 56,0 трлн. сўмлик монетар олтин натижа-сида юзага келган қўшимча ликвидли-кни стерилизация қилиш мақсадида 53,0 трлн. сўм эквивалентдаги валюта маблағлари валюта биржасида сотилди.

2020 йилда импортни молиялаштириш манбалари таркибида хорижий валютадаги кредитлар ҳисобига импортни мо-лиялаштириш улуши 25 фоиздан 18 фоизга пасайиши кузатилиб, ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар (конвертация) улуши 52 фоиздан 58 фоизга ошди.

4. Алмашув курси динамикаси

Миллий валютанинг алмашув курси динамикаси валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг жорий нисбатидан келиб чиқиб, ички ва ташқи омиллар таъси-рида шаклланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида пан-демия таъсирида ташқи ва ички иқти-содий шароитларнинг ўзгариши, асосий савдо ҳамкор давлатлар валюталари-нинг кескин девальвацияси натижаси-да девальвацион кутилмаларнинг ўси-ши, шунингдек, ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талабнинг ўсиши каби омиллар таъсирида миллий валюта 7,2 фоизга қадрсизланди.

Йилнинг иккинчи ярмида сўмнинг ал-машув курси нисбатан барқарор дина-мика кузатилиб, 2,7 фоизга қадрсиз-ланди.


Умуман олганда, 2020 йил давоми-да миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси йил бошига нисбатан (9501 сўм/долл.дан 10461 сўм/долл.гача) 10,1 фоизга қадрсиз-ланди.

Ўз навбатида, жорий йилда миллий валютанинг алмашув курси ички валю-та бозорида вужудга келадиган талаб ва таклиф асосида узоқ мuddатли фун-даментал тренд доирасида шаклланиши прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборот хизмати

Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг худудий бошқармалари томонидан 2020 йилда бюджет интизомига риоя этилиши ва бюджет маблағларнинг мақсадли фойдаланиши юзаси-дан 4 729 та (2019 йилда 8 074 та) назорат тадбирларида 246 млрд.сўм миқдорига бюджет интизоми бузиш, пул ва товар-мод-дий бойликлар камомоди ва асоссиз харажатлар аниқланиб, шун-дан 168,8 млрд. сўмни бюджетга тикланиши таъминланди.

2020 ЙИЛДА БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИГА ҚАНДАЙ РИОЯ ҚИЛИНДИ



Ҳисобот даврида вазирлиги ва идоралар бўйича қонунбу-зулиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар куйидагиларни ташкил этди:

Халқ таълими вазирлиги ти-зимида ўтказилган 709 та на-зорат тадбирларининг 573 тасида 96,6 млрд.сўм миқдо-рида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (29,8 млрд.сўм) нисбатан 3,2 марта-га ошган.

Соғлиқни сақлаш вазирли-ги тизимида ўтказилган 723 та назорат тадбирларининг 523 тасида 40 млрд.сўм миқ-дорига қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (13,8 млрд.сўм) нисбатан 2,9 марта-га ошган.

Мақтабгача таълим вазир-лиги тизимида ўтказилган 327 та назорат тадбирларининг 270 тасида 16,7 млрд.сўм миқдо-рида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (8,3 млрд.сўм) нисбатан 2 мартага ошган.

Уй-жой коммунал хизмат кўр-сатиш вазирлиги тизимида ўт-казилган 124 та назорат тад-бирларининг 106 тасида 9,4 млрд.сўм миқдорига қонунбузи-лиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (1,1 млрд.сўм) нисбатан 8,5 мартага ошган.

Шунингдек, **Маданият** (6,8 млрд.сўм), **Сув хўжалиги** (5,6 млрд.сўм), **Олий ва ўрта мах-сус таълими** (5 млрд.сўм), **Жисмоний тарбия ва спорт** (4,1 млрд.сўм), **Қишлоқ хўжалиги** (3,1 млрд.сўм) вазирликла-ри ва улар тизимидаги бюджет ташкилотларида ҳам йирик миқ-дорда молиявий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

“Ўзбекино” миллий агентли-гида ўтказилган назорат тад-бирларида 17,9 млрд.сўм миқ-дорига молиявий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, ҳокимиятлар (3,5 млрд.сўм), ҳокимликлар-нинг ободонлаштириш бошқар-малари (7,8 млрд.сўм), ҳо-кимиятлар ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари (8,4 млрд.сўм)да ўтказилган назорат тадбирла-рида ҳам молиявий қонунбузи-лиш ҳолатларига йўл қўйилган-лиги аниқланган.

Ҳисобот даврида вазирлик ва идоралар бўйича қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-кам-чиликлар динамикаси:

Маҳаллий бюджетлар маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан ўт-казилган назорат тадбир-ларида жами 175,3 млрд. сўм миқдорига, жумладан Қашқадарё (26,1 млрд. сўм), Андижон (19,8 млрд.сўм), Сурхондарё (16,5 млрд.сўм), Фарғона (14,4 млрд.сўм), Тош-кент (13,2 млрд.сўм), Жиззах (13 млрд.сўм), Самарқанд (13 млрд.сўм), Сирдарё (12,9 млрд. сўм), Наманган (12 млрд. сўм), Хоразм (6 млрд. сўм), Бухоро (3,6 млрд. сўм), Навоий (2,4 млрд. сўм) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (13,8 млрд.сўм) ва Қорақал-поғистон Республикасида (8,1 млрд.сўм) қонун-бузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар аниқланган.

Маҳаллий бюджетлар маб-лағларини мақсадли сарфлани-шида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-кам-чиликлар динамикаси: Шун-и таъкидлаш жоизки, 2020 йилда бюджет муассасаларида ўтка-зилган назорат тадбирларида 54,5 млрд.сўм миқдорига нақд пул маблағларини ўзлаштириш (банкдан олинган нақд пулни ташкилот фазнасига кирим қи-лимаслиги, ишламаган шахслар-га иш ҳақи ҳисобланиб, тўла-ниши ва бошқалар) ҳолатлари аниқланган бўлиб, ушбу қонун бузилиши ҳолатлари ўтган йил (2019 йилда - 7,2 млрд.сўм)га нисбатан 7,5 мартага кўпайган.


Бюджет қонунчилигини буз-ганлиги учун бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг 48 на-фар раҳбар ва бошқа мансабдор шахсларига ўрнатилган тар-тибда жарималар қўлланилди.

Шунингдек, 3 033 та назорат тадбирларида аниқланган 239,5 млрд.сўмлик қонунбузилиш ҳо-латлари қонуний чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Молия вазирлиги Ахборот хизмати

КЎЗ ЎНГИМИЗДА РАҚАМЛАШАЁТГАН ДУНЁ

Рақамли иқтисодиётга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодиётда рўй берган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўсди. Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди. Нашримизнинг ўтган сониди таъкидлаганимиздек, рақамли иқтисодиёт жамият ривожига тўғаноқ бўлаётган коррупция илдизига болта урадиган асосий восита бўлиб кўрина бошлади.



ЗАМОН НАФАСИ

Банк ва банк хизматлари бугун рақамли иқтисодиётсиз ғариб кўрина бошлайди. Шубҳасиз, рақамли иқтисодиётнинг самарадорлигига нафақат ахборот технологияларининг қамрови ва инфратузилмнинг мавжудлиги, балки ишбилармонлик муҳити, инсон капитали ва муваффақиятли бошқарув инструментлари каби стандарт иқтисодий мезонлар ҳам таъсир кўрсатади. Бинобарин, иқтисодий тараққиёт айнан уларга таянади, бу эса ушбу мезонларнинг рақамли иқтисодиёт ривожланишида аввалгидай муҳим ўрин тутушини билдиради. Банк хизматларида жорий этилган мобил иловалар аҳоли эҳтиёжларини қоплаб, оғирини енгил, узоғини яқин қилаётгани сир эмас.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳақида гапирадиган бўлсак, ахборот технологиялари кўплаб кундалик вазифаларни ҳал қилади, бунинг натижасида эса йирик қўламдаги амаллар тезроқ, арзонроқ, қулайроқ ва ўртадаги воситачиларсиз бажарилади. Хусусан, электрон савдо, интернет-банкнинг ва бошқа шу каби замонавий йўналишлар кундан кунга ривожланиб бормоқда. Натижада даромадни ошириш учун аксар соҳаларда автоматик тармоқли сервислар (масалан, сифатли веб-сайт ёки мобил илова каби) бизнесдаги воситачилар ўрнини эгалламоқда.

Рақамли технологиялар иқтисодиётга боғлиқ жуда кўп соҳаларни кескин ўзгартириб юборади. Ушбу қараш ахборот технологиялари ва рақамли платформалар бизнес моделларни кескин ўзгартириб, уларнинг самарадорлигини воситачиларни

бартараф этиши ва жараёнларни оптималлаштиришига асосланган. Айниқса, пандемия шароитида бу яққол кўзга ташланди.

МОБИЛ ИЛОВАЛАР

Бугунги кунда юртимизда ҳам мобил саноат жадаллик билан ривожланмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар сони 12 миллиондан ошди, мобил қурилмалар, айниқса смартфон ва планшетлар кенг оммалашмоқда. Табиийки, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган, ўзбек тилидаги фойдали, қизиқарли мобил иловаларга бўлган талаб ҳам ортмоқда. Бугунги кунда бирор мобил иловага мос дастурлар яратмаган банкнинг ўзи йўқ. Уларнинг нечоғли аҳамияти ҳақида гапирмасак ҳам биласиз.

Фойдаланувчилар товарлар ва хизматлар учун онлайн тўловни амалга ошириш, ўтказилган транзакциялар ва кўпгина бошқа қулайликлар тўғрисида долзарб ахборот олишлари мумкин бўлган мобил иловалар ҳақида хабардорсиз. Бугун Ўзбекистонда мобил банкингнинг электрон тўловларининг универсал сервислари ҳақида банкларнинг веб-саҳифаларида ҳам ахборот бериб борилади.



СОХАНГИЗ ЎЗГАРИШИ МУМКИН

Шубҳасиз, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлиги соҳасига таъсир қилади. Газетамизнинг ушбу сониди келажак касблари тўғрисида батафсил тўхталган бўлсак-да, айнан рақамли иқтисодиёт соҳасида касблар ўзгаришини ҳам кўриб чиқсак фойдадан холи бўлмас. Келажакда қуйидаги касблар пайдо бўлиши мумкин: шахсий брендни бошқарувчи; виртуал адвокат; давлат органлари вакиллари билан мулоқот платформаси модератори; инфостилист; рақамли лингвист; муддатли брокер; интерфейси услубчиси ва ҳоказо. Шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожланиши оқибатида миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизimini яратиш лозим бўлади. Бу тўғрида ҳам газетамизнинг ҳар бир сониди киберхавфсизлик тўғрисида маълумот бериб бораётимиз. Институтчионал ёндашиш нуқтаи назаридан “Миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизими” тушунчаси мураккаб сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, техник, ижтимоий-маданий тизим бўлиб, у миллий рақамли иқтисодий хавфсизликни таъминловчи объект ва субьектлар мажмуасидан иборат. Бу рақамли иқтисодиёт субьектларининг миллий манфаатларини, амалдаги миллий қонунчиликни етарли даражада ҳимоя қилиш учун фойдаланилиши мумкин. Бу эса давлат сиёсати, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, норасмий норма ва ижтимоий хулқ-қоидаларини тартибга туширувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни яратиш кераклигини билдиради. Рақамли иқтисод, ноёб функциянинг айрим хусусиятларининг мавжудлиги сабабли классик иқтисодга хос бўлган чекловларни енгиласан имкон беради.

ДУНЁ ЎЗГАРМОҚДА

Ҳа, рақамли иқтисодиёт кўз ўнгимизда яралмоқда. Ҳозир бутун дунё бўйлаб янги сервислар ва бизнес моделларни яратиш учун IT инструментлардан фойдаланадиган эски ва янги компаниялар аксарият соҳаларда етакчи бўлган компанияларга кучли рақобат туғдирмоқда. Бу замон шиддати келажакда бизга янгидан янги қулай воситалар ҳада қилиши тайин.

Шукур ЖАББОР

СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БИЛАН
ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан 2020
йил 31 декабрда 3079-1-сонли рақам
билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон “Инфляция таргетлаш режимига бошқичма-бошқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/13-сон қарори (рўйхат рақами 3079, 2018 йил 25 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.10.2018 й., 10/18/3079/2122-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низома иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Марказий банк раиси
М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 декабрь,
27/9-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки бошқарувининг 2020 йил
31 декабрдаги 27/9-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкининг тижорат
банклари билан депозит
операцияларини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низома
киритилаётган ўзгартиришлар

1. 10-банднинг биринчи хатбошисидаги “уч иш куни” деган сўзлар “бир иш куни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 36-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

““овернайт” – муддати бир календарь кунидан иборат депозит операцияси (бунда, овернайт депозитларини жалб қилиш ва қайтариш кунлари ўртасидаги муддат бир кундан ортиқ бўлган ҳолларда фоииз тўловлари календарь куни бўйича ҳисобланади);”.

3. 38-банднинг биринчи хатбошисидан “кейинги кундан” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

БАНК РАСМИЙ “ВЕБ-САЙТ”И МИЖОЗЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси қуйдагича баён этилган “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш лозим.”

Республикаимизнинг барча тижорат банклари, шу жумладан, “Hi-Tech Bank” ХАТБ ўз миждоғларига, яъни банк хизматлари истеъмолчиларига ахборотларни тезкорлик билан етказишни ташкил этиш мақсадда, расмий “веб-сайт”ларини яратдилар ҳамда уларни банк хизматларига оид ахборотлар билан тўлиқ ва тезкор таъминлашни бўйича муайян амалий ишларни бажариб келмоқдалар. Бунинг натижаси ўлароқ миждоғларга молиявий хизматларнинг оммабоплигини оширилишини таъминлаб, уларнинг молиявий савдолари ошгани сайин, ўзларини ҳуқуқий томондан ҳимоя қилишлари кучайиб боришига эришилмоқда. Шу билан бирга, бунда тижорат банкларида “веб-сайт”ларни шакллантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур амалий-услубий кўрсатмалар берилиши ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва кўрсатмалар асосида “Hi-Tech Bank” ХАТБнинг расмий “веб-сайт”ини шакллантиришда қуйидаги талаблар ижроси таъминлаб келинмоқда:

Банк хизматлари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш бўйича талаблар:

– Банк хизматлари кўрсатишнинг умумий шартлари, востачилик ҳақи, тарифлар ва банк хизматлари кўрсатанлик учун фойз ставкалари тўғрисидаги ахборот очиқ ахборот бўлиб, улар банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот тижорат ёки банк сирининг предмети бўлиши мумкин эмас;

– Банк хизматлари кўрсатиш шартномаси тузилгунга қадар истеъмолчида улар тўғрисидаги ахборотнинг тўлиқ ошкор

қилиниши таъминлашни керак. Кўрсатиладиган банк хизматларининг шартлари ва қиймати ҳақидаги ахборотни миждоғга тақдим этишни рад қилишга йўл қўйилмайди;

– Банклар кредит бериш қандай шартлар асосида амалга ошириладиганлиги ҳақида, шу жумладан кредитнинг (қарзнинг) тўлиқ қиймати тўғрисида миждоғга ахборот бериши керак;

– Кредитнинг (қарзнинг) тўлиқ қиймати деганда ҳисоб-китоб қилиш чоғида қарз олувчининг кредит (қарз) олиши билан боғлиқ тўловлари ҳисобга олинган ишончли, йиллик ва самарали тарзда ҳисоблаб чиқарилган фойз ставкаси тушунилади.

Кредитнинг (қарзнинг) тўлиқ қиймати ҳисоб-китобига қарз олувчининг тўловлари, шу жумладан, учинчи шахслар фойдасига тўловлари, агар қарз олувчининг бундай тўловлари бўйича мажбурияти шартнома шартларидан келиб чиқса ва (ёки), агар кредит (қарз) бериш бундай тўловларни амалга оширишга боғлиқ қилиб қўйилган бўлса, киритилади;

– Банк хизматлари кўрсатишнинг умумий шартларидаги ўзгаришлар улар кучга киришидан камидан ўн кун олдин банкнинг расмий “веб-сайт”ида эълон қилиниши керак, шунингдек фойз ставкаларининг ва валюталарни айирбошлаш курсининг ўзгариши тўғрисидаги ахборот улар ўзгарган кун эълон қилинади.

Банкнинг расмий “веб-сайт”ида ахборот бериш хусусиятлари:

– банк ўзининг расмий “веб-сайт”ига эга бўлиши шарт;

– расмий “веб-сайт”га жойлаштириладиган ахборотларнинг санаси кўрсатилиши керак;

– банкнинг расмий “веб-сайт”ида сайтнинг тузилишини баён этувчи, ушбу тузилмадаги расмий

“веб-сайт”нинг ҳар бир саҳифаси жойлашган жойни қулай шаклда аниқлаш имконини берувчи бўлиши керак.

Банкнинг расмий “веб-сайт”ида мажбурий жойлаштирилиши керак бўлган банк фаолиятига тааллуқли ахборотлар:

– банк фаолиятининг мақсадлари;

– банкнинг устаби, шу жумладан, унга ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда банкнинг тасдиқланган бизнес-режалари;

– банкни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ахборот;

– банкнинг ташки-



лий тузилмаси, унинг таркибий бўлиналари, филиаллари, ваколатхоналари, шўба ва тобе хўжалик жамиятларининг номи, уларнинг телефонлари рақамлари, манзили (почта ва электрон манзиллари), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

– банкнинг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома ахборот;

– бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

– банк ёки унинг бошқарув органлари томонидан тузилган жамоа ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

– банкнинг аффилиланган шахслари рўйхати;

– корпоратив бошқарув масалалари бўйича банкнинг ички ҳужжатлари, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган корпоратив бошқарув ко-

декси (у мавжуд бўлганда);

– Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (№ЎРҚ-163, 22.07.2008) Қонунининг 44-моддасига мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган банк фаолиятидаги муҳим фактлар:

– қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозларни жойлаштириш бошланишига камидан икки ҳафта қолганида, бундан қимматли қоғозларни хусусий жойлаштириш мустасно;

– эмитентнинг йиллик ҳисоботини акциядорларнинг ёки эмитентнинг бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилгандан кейин икки ҳафта ичида;

– эмитентнинг биринчи

лумотлар;

– банк қимматли қоғозлари эмиссияси проспектилари, шунингдек қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган жамиятнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари;

– банк томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий таширлар) тўғрисидаги маълумотлар, матбуот-релизлар ва қандалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборот;

– банк томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар) рўйхати ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар;

– товарларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича банк ва унинг филиаллари томонидан ўтказиладиган очиқ танловлар (тендерлар) ва кимосиди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

– банкнинг молия-хўжалик ҳолатини ва уни ривожлантириш динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар, банк фаолияти тўғрисидаги ахборот тусидаги таҳлилий шарҳлар;

– охирги уч йилда ҳисобланган ва тўланган дивидендлар, шу жумладан, қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумотлар, акциядорлар томонидан дивидендларни олиш учун боғланиш маълумотлари ва бошқа маълумотлар;

– банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси;

– банк томонидан акциялар сотиб олинishi тўғрисидаги маълумотлар;

– расмий “веб-сайт”даги ахборот материалларидан бошқа шахслар фойдаланганда банкнинг расмий “веб-сайт”ига мажбурий ҳаволалар кўрсатилиши тўғрисидаги талаб;

– банкнинг расмий “веб-сайт”ида жойлаштирилиши банк зарур деб ҳисоблайдиган бошқа маълумотлар.

Фозилхон ТОИРОВ
“Hi-Tech Bank” ХАТБ
Юридик бошқармаси
Банк хизматлари
истеъмолчиларининг
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
бўлими бошлиғи

